



ОНОМАСТИКА – ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Бўтаярова Гуласал Собировна

ТерДУ лингвистика (ўзбек тили) йўналиши магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7592950>

ARTICLE INFO

Received: 21st January 2023

Accepted: 30th January 2023

Online: 31st January 2023

KEY WORDS

Тил, антропонимика,
ономастика, ном,
номшунослик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада тилшуносликнинг ономастика соҳасининг ўрганилиши, бу соҳа ривожига ҳисса қўшган олимлар, уларнинг илмий тадқиқотларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ономастиканинг бир нечта тармоқлари келтирилиб, улар орасида энг муҳимларидан бири антропонимлар таҳлилига урғу берилган. Антропонимларни ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида мулоҳазалар берилган.

Тил – ҳар бир халқнинг урф-одатлари, қадриятлари, миллий маданиятининг асосий хусусиятлари, инсоннинг дунёга бўлган муносабатини ўзида ифода этувчи, хулқ атворининг энг юқори кўрсаткичи сифатида алоҳида қимматга эга¹. Шунга кўра тил илмларини ўрганиш ҳар доим инсоният учун ўзгача маънолар, тушунчалар кашф этиш ва янги дунёқараш ҳосил қилиш учун имконият яратади. Маънони англаш, у билан боғлиқ концептнинг шаклланиши учун номнинг ўрни муҳимдир. Чунки борлиқдаги ҳар қандай тушунча: нарса, шахс, ўрин-жой, жараён ўз номига эга. Ном, унинг маъноларини тадқиқ этиш билан тилшуносликнинг маҳсус бўлими – ономастика шуғулланади. Ономастика юнонча *onomastikos* сўзидан олинган бўлиб *исм*, *исмга боғлиқ* деган маъноларни англатади. Ўзбек ономастикаси қуйидаги бир нечта тармоқлардан ташкил топган:

1. *Антропонимика* – номшуносликнинг киши исмларини ўрганувчи соҳаси бўлиб, шахс номларининг этимологияси, семантикаси ва қурилишини ўрганади;
2. *Топонимика* – жой номларини ўрганувчи соҳа. Ономастиканинг мазкур соҳаси кенг қамровли бўлиб ўз ичида *ороним* (тоғ, чўққи, доvon, тепалик номлари), *гидроним* (океанлар, дарёлар, кўллар, каналлар номлари), *хороним* (чўлликлар, қумликлар, табиий майдон номлари), *ойконим* (шаҳар, қишлоқ, маҳалла номлари), *эклезоним* (масчит, черков, монастир номлари), *некроним* (мозор, қабристон, муқаддас қадамжолпр номлари) каби бир қанча йўналишларга бўлинади.
3. *Космонимика* – ономастиканинг космик фазода жойлашган самовий объектлар номларини ўрганувчи соҳаси;
4. *Зоонимика* – ҳайвонларга қўйилган номлар тадқиқи билан шуғулланувчи соҳа;

¹ Курбаназарова Н.Ш. Лисоний тизимда этнографик бирликларнинг лингвомаданий аспекти(Сурхондарё тўй маросимлари мисолида). // Сўз санъати халқаро журнали, 4-сон, 3-жилд. ISSN 2181-9297.– Тошкент, 2020. – Б. 99-103



5. *Этнонимика* – ҳар қандай этнос (уруғ, қабила, элат, халқ, миллат)нинг номини ўрганувчи номшунослик соҳаси.

Келтирилган йўналишлар орасида *антропонимиканинг* ўрни ономастикада муҳимдир. “Ном” ўзи ономастикада кўп ҳолларда “атоқли от” маъносида қўлланилади. Кишилар исмини, уларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши билан шуғулланувчи мазкур соҳада лақаб, тахаллус, нисба каби шахсни аташга хизмат қиладиган отлар таҳлил қилинади. Ўзбек тилшунослигида ономастик тадқиқотлар орасида энг муҳимларидан бири Э.Бегматовга тегишлидир². Мазкур тадқиқот ўзидан кейин яратилган кўпгина ишлар учун дастурул амал вазифасини ўтаган. Шунингдек тилшунослигимизда Т.Эназаров, А.Абдуазизов, Н.Хусанов, Р.Худойберганов, М.Расулова, С.Кенжаева, И.Худойназаров, Д.Юлдошев, С.Раҳимов, Ш.Ёқубов, Н.Мўминов каби олимларнинг қатор тадқиқотлари мавжуд бўлиб, уларнинг лингвистик қарашларини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, бу ишларнинг эътибор марказида инсон ва унинг исми, исмининг шахс дунёқарашига таъсири, инсоннинг олам ва одам билан ўзаро алоқасини аниқлаш ётади³. Кейинги даврларда антропонимларнинг антропоцентрик тадқиқига бағишланган тадқиқотлар ҳам яратилдики, бу номшуносликнинг лингвокогнитив жиҳатдан ўрганишга қизиқишнинг ошганлигини кўрсатади. Фикримизнинг асоси сифатида Д.Худойберганова⁴, Н.Аҳмаджонов⁵, Д.Юлдошев⁶ каби олимларнинг илмий ишларини келтиришимиз мумкин.

Ономасиологик тадқиқотларни амалга оширишда антропонимлар қуйидаги гуруҳлар асосида ўрганилади:

1. Ҳайвонлар, қушлар ва бошқа жонзотлар номига асосланган исмлар: Шербек, Қумри;
2. Ўсимликлар, дарахтлар ҳамда улардан олинадиган маҳсулот ва мевалар номи: Райҳон, Сумбул, Нулуфар, Раъно;
3. Табиий жойлар ва ўринлар, сув объектлари ҳамда сув билан боғлиқ лексемаларга асосланган киши исмлари: Мадина, Чаман, Тўлқин ва бошқалар.
4. Само ва само жисмлари номи билан боғлиқ лексемалар: Ойбарчин, Юлдуз, Моҳинур, Офтобойим каби;
5. Фасллар, ойлар, кунлар номи ва айнан фасл, ой ёки кун доирасидаги маълум бир пайтни англатувчи лексемалар, фасллардаги ҳолатни англатувчи сўзларга асосланган антропонимлар: Баҳора, Наврўз, Чоршанби, Ҳайитгул, Бозор каби;
6. Табиий ҳодисалар, нур ва олов тушунчалари номи: Оловиддин, Ёрқиной, Нурбек, Мунаввар, Учкун в.б;
7. Касби-кор, мавқе, мансаб, унвон, иш қуроллари номлари: Деҳқон, Сайёд, Амир, Аскар, Қилич, Болта каби;

² Бегматов Э. А. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1965.

³ Ибраимова Д.Т. Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари. Фил.фан. бўйича фалс.док. дисс.автореф. – Термиз, 2022. 66 б

⁴ Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фан.док.дисс.автореф. – Тошкент, 2015. 72 б.

⁵ Аҳмаджонов Н. Бадий услубда қўлланилган прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.бўйича фалс.док. дисс.автореф. – Қарши, 2021.

⁶ Юлдошев Д. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи: филол.фан.док.дисс.автореф. – Тошкент, 2021. 72 б.



8. Қабила ва элат номлари: Барлос, Қозоқбой, Ўзбекойим, Ўзбек, Қирғизбой, Ойбек, Ойбека, Ойбика, Митанбой.
9. Баъзи табиий ёки ижтимоий ҳодисалар, ҳолатлар билан боғлиқ номлар: Офат, Озодбек, Ўтбосар.
10. Расм-русм, урф-одат, турли тушунчалар, тилаклар, ижобий хислатлар билан боғлиқ лексемалар: Поён, Суннат, Қизларбас Байрам, Турсин, Давлат каби;
11. Қариндошлик, қондошлик маъноларини англатувчи лексемалар: Отажон, Отабек, Оғабек, Ўғилой, Бобоқул в.б;
12. Сонлар ва миқдорий маъноли лексемалар: Олтмишбой Олтибой, Тўқсонбой;
13. Жисмоний белгиларни, ранг-тусни, кўринишни ифода этувчи лексемалар: Холида, Норхол, Нортोजи, Қорасоч, Нафиса, Ортиқ, Гўзал, Латофат;
15. Турли мустаҳкам табиий маъданлар, матолар, кийим-кечак, тақинчоқлар, қимматбаҳо тошларни англатувчи лексемалар: Тошпўлат, Пўлат, Темурбек, Гавҳар, Кумуш, Феруза, Жавоҳир;
16. Оллоҳнинг номлари, диний тушунчалар ва тасаввурлар, пайғамбарлар номлари билан боғлиқ лексемалар: Худойберди, Эгамберди, Худойқул, Меҳрож, Ибодат, Малак ва ҳ.к.з.

Шунингдек, генетик ҳосил бўлиши жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Ўз қатламга оид*: Гўзал, Ботир;
2. *Ўзлашган қатламга оид*. Ўзлашган қатламга оид антропонимларни ҳам ички гуруҳларга ажратишимиз мумкин. *Арабча*: Ражаб, Расул, Аббос; *форсча*: Зебо, Жаҳонгир, Гавҳар. Ўзлашган қатламга оид киши исмлари асосан, *арабча+форсча* (Алишер), *форсча+арабча* (Моҳинур), *ўзбекча+арабча* (Бекзод), *ўзбекча+форсча* (Бекмурод) таркибда намоён бўлади.

Таъкидлаш ўринлики бугунги кунда кўпгина антропонимлар истемолда эмас ёки кам қўлланилади. Чунки жамиятнинг ривожланиши, албатта, инсонлар тафаккурига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқда. Кейинги вақтларда урфга айланган замонавий исмлар ҳам қандайдир асос билан қўйилмоқда. Аммо, масаланинг бу томони бошқа тадқиқотларга асос бўлишини инобатга олиб, кенгроқ тўхталмасликка қарор қилдик.

References:

1. Бегматов Э. А. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1965.
2. Ибраимова Д.Т. Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари. Фил.фан. бўйича фалс.док. дисс.автореф. – Термиз, 2022. 66 б.
3. Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фан.док.дисс.автореф. – Тошкент, 2015. 72 б.
4. Аҳмаджонов Н. Бадий услубда қўлланилган прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.бўйича фалс.док. дисс.автореф. – Қарши, 2021.
5. Юлдошев Д. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи: филол.фан.док.дисс.автореф. – Тошкент, 2021. 72 б.



6. Курбоназарова Н.Ш. Лисоний тизимда этнографик бирликларнинг лингвомаданий аспекти(Сурхондарё тўй маросимлари мисолида). // Сўз санъати халқаро журнали, 4-сон, 3-жилд. ISSN 2181-9297.– Тошкент, 2020. – Б. 99-103